



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 17 » сентябрь

№ 560

Toshkent sh.

Бўстонлик туманидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ҳамда самарасиз фойдаланилаётган объектлар ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш, улар негизида туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Бўстонлик тумани ҳудудида бўш турган, самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ҳамда улар негизида туризм инфратузилмаси объектларини яратиш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва ҳудуднинг туристик жозибадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бўстонлик туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 августдаги ПФ–6053-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекциясининг Бўстонлик тумани ҳудудида давлат ташкилотларига ҳамда устав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларига тегишли бўлган бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки объектлари негизида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва тезкор ишга тушириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

замонавий туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш шарти билан “E-Ijro aukcion” электрон савдо майдончаси орқали сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

замонавий туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва инвестиция киритиш шарти билан Давлат активларини бошқариш агентлиги, молиявий ташкилотлар ва инвесторлар ўртасида тузиладиган уч томонлама ҳамкорлик шартномаси асосида инвесторларга “нол”

харид қийматида сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

вазирликлар ва идоралар ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларига қарашли бўш турган ва хусусий секторга “E-Ijro aukcion” электрон савдо майдончаси орқали сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Бўстонлик тумани худудида муҳандислик-коммуникация ва экологияни муҳофаза қилиш инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

мазкур қарорга 1-иловада қайд этилган объектларни сотишда инвестиция мажбуриятлари ва амалга ошириш муддатларини белгилаш, шунингдек, уларни лойиҳа институтларини жалб этган ҳолда лотларга бўлиш, бирлаштириш ва савдодан ечиш Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси қарорига мувофиқ амалга оширилади;

мазкур қарорга 2-иловада қайд этилган объектларни сотишда инвестиция мажбуриятлари ва амалга ошириш муддатларини белгилаш, шунингдек, уларни лойиҳа институтларини жалб этган ҳолда лотларга бўлиш ва бирлаштириш “Чорвок” эркин туристик зонаси маъмурий кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади;

объектларни лотларга бўлиш ва бирлаштириш учун лойиҳа институтларининг харажатлари Тоғли ва олис худудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиб олинган объектлар ва ер участкаларига бўлган эгалик ҳуқуқлари инвесторларга, истисно тариқасида, Тошкент вилояти ҳокимининг алоҳида қарори қабул қилинмасдан расмийлаштириб берилади;

мазкур қарорга 1–3-иловаларга киритилган объектларни балансда сақловчи ташкилотлар раҳбарлари бино ва иншоотлар сотилгунга қадар уларнинг ўзгага берилмаслиги ва бутлигини таъминлаш учун шахсан масъул ҳисобланади;

мазкур қарорга 1 ва 3-иловаларга киритилган давлат мулки объектларини ва бўш турган ер майдонларига бўлган ҳуқуқни сотишдан тушадиган маблағлар (баҳолаш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларидан ташқари) тўлиқлигича Тоғли ва олис худудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш мақсадида инвесторларга “нол” харид қийматида инвестиция киритиш шарти билан

бериладиган объектлар тадбиркорлик субъектларига молиявий ташкилотлар билан тузиладиган уч томонлама ҳамкорлик шартномаси асосида берилади.

4. Вазирликлар ва идоралар ҳамда устав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари **бир ой муддатда** 1–3-иловаларда назарда тутилган бино ва иншоотларни белгиланган тартибда Агентликка топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширсин.

Бунда давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларига тегишли бино ва иншоотларни Агентликка бериш масаласи белгиланган тартибда уларнинг тегишли бошқарув органлари қарорларига асосан барча акциядорлар (иштирокчилар) манфаатларини инобатга олган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда, жумладан, устав капиталидаги (устав фондидаги) давлат улушини камайтириш орқали амалга оширилади.

5. Агентлик “Чорвоқ” эркин туристик зонаси Дирекцияси ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги билан биргаликда **бир ой муддатда**:

мазкур қарорга 1-иловага киритилган объектлар уларнинг негизида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этишнинг аниқ шартларини бажариш мажбуриятлари билан белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқарилишини;

мазкур қарорга 2-иловага киритилган объектлар уларнинг негизида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этишнинг аниқ шартлари асосида Ўзбекистон Республикасининг молиявий ташкилотлари билан тузиладиган ҳамкорлик шартномаси асосида инвесторларга “нол” харид қийматида инвестиция киритиш шarti билан сотилишини;

мазкур қарорга 3-иловага киритилган объектлар белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

6. Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** 4-иловада кўрсатилган муҳандислик инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш манбаини аниқласин ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиб борсин.

7. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзсувтаъминот” АЖ 4-иловада кўрсатилган муҳандислик инфратузилма лойиҳаларининг ўз муддатида амалга оширилиши бўйича қатъий назорат ўрнатсин ва ҳар ойнинг 5-кунигача амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ва “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекциясига ахборот киритиб борсин.

Белгилансинки, туризм объектлари, шу жумладан, қуриладиган ва мавжуд меҳмонхона ҳамда барча бино ва иншоотларда қурилиш ишлари

юқори ва паст кучланишли электр ҳаво тармоқлари муҳофаза масофаси сақланган ҳолда амалга оширилади.

8. Агентлик Касаба уюшмалари федерацияси Халқ таълими вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** болалар соғломлаштириш оромгоҳларини самарали бошқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

9. “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

10 кун муддатда Бўстонлик туманида вақтинчалик аҳоли дам олиш масканларини ташкил этиш учун енгил конструкцияли кўчма қурилмалар жойлаштириладиган ер участкалари (Ўрмон хўжалиги қўмитаси тасарруфидаги ерлар бундан мустасно) белгиланган тартибда “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси захирасига олинишини;

20 кун муддатда ижарага бериш учун улар “E-Ijro Auktion” электрон савдо майдончасининг аукцион савдоларига қўйилишини таъминласинлар.

10. Агентлик “Чорвоқ” эркин туристик зонаси Дирекцияси ва Бўстонлик тумани ҳокимлиги билан биргаликда “Бурчмулло” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Ўгам-Чотқол” давлат миллий табиат боғи бошқармасининг “Бурчмулло” ўрмон хўжалигига тегишли бўлган давлат объектлари негизида **туристик мажмуа** ташкил этилаётганлиги сабабли “Ўгам-Чотқол” давлат миллий табиат боғи бошқармасининг “Бурчмулло” ўрмон хўжалигига бошқа объектни ажратиш чорасини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **бир ой муддатда**:

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси ва Бўстонлик тумани ҳокимлиги билан биргаликда туманнинг туристик харитасини ишлаб чиқиш ҳамда барча туризм объектларининг (умумий овқатланиш, кафе, ресторан, савдо, сихатгоҳ, меҳмонхона, оилавий уй меҳмонхоналари, болалар дам олиш масканлари, кузатув марказлари ва бошқа хизмат кўрсатувчи жойлар) Яндекс, Maps.Me, Google Maps каби электрон хариталарда координаталари (жойлашув нуқталари) белгиланишини таъминласин;

“Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси Бўстонлик тумани ҳокимлиги ҳамда объектларни балансда сақловчи ташкилотлар мурожаатига асосан мазкур қарорга иловаларга киритилган объектларнинг кадастр ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Қурилиш вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Бўстонлик тумани ҳокимлиги, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси билан келишган

ҳолда **бир ой** муддатда Чорвоқ сув омбори атрофида вертолёт қўниш майдончаси, йирик автотураргоҳ, овқатланиш ва савдо шохобчаси, замонавий санитария-гигиена шохобчасини ташкил этишни инобатга олган ҳолда, таклиф лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси Агентлик билан биргаликда сотилиши белгиланган объектлардан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш чора-тадбирлари юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Замонавий туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш шарти билан “E-Ipro aukcion” электрон савдо
майдончаси орқали сотиладиган давлат мулки объектлари
РЎЙХАТИ***

Т/р	Объект номи	Жойлашган манзили	Ер майдони, га	Бино ва иншоот майдони, кв.м	Идоравий мансублиги	Балансда сақловчи
1.	Фойдаланилмаётган эски бино	“Боладала” МФЙ, Мирза Турсунзода кўчаси	0,71	354,0	Халқ таълим вазирлиги	Бўстонлик тумани халқ таълими бўлими
2.	Ирригация институтига қарашли полигон биноси	“Новобод” МФЙ	3,00	500	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти
3.	Тошкент молия институтига қарашли “Молиячи” оромгоҳи	“Новобод” МФЙ	5,00	3 600	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Молия институти
4.	“Геобуртехника” давлат корхонасининг дам олиш маскани	“Новобод” МФЙ	5,16	54	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси
5.	“Зумрад сервис” МЧЖ	“Новобод” МФЙ	6,76	2 832,07	“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ	“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ
6.	“Чотқол” дам олиш оромгоҳи бино ва иншоотлари*	“Новобод” МФЙ	8,00	3 700	“Ўзагрорсаноатмашхолдинг” АЖ	“Ўзагрорсаноатмашхолдинг” АЖ
7.	“Иқтисодчи” дам олиш оромгоҳи	“Новобод” МФЙ	13,01	3 974	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тошкент давлат иқтисодиёт университети
8.	“Чотқол реабилитация маркази” УК	“С.Рахимов” МФЙ	10,15	12 906	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
9.	“Автомобилчи” дам олиш оромгоҳи	“С.Хондойлиқий” МФЙ	8,45	2 144,15	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги

10.	Собиқ тиббиёт академияси оромгоҳи	“Сарбоғ” МФЙ	2,00	235,44	“Ўзстандарт” агентлиги	Дори воситаларини экспертиза ва стандартлаштириш давлат маркази
11.	“Сиджак” дам олиш оромгоҳи	“Сижжак” МФЙ	10,00	800	Давлат активларини бошқариш агентлиги	Давлат активларини бошқариш агентлиги
12.	“Угам” оромгоҳи	“Хумсон” МФЙ	20,00	5 000	“Ўзтрансгаз” АЖ	“Ўзтрансгаз” АЖ
13.	“Гидроэнергетик” спорт соғломлаштириш лагери	“Хўжакент” МФЙ	2,5	1 116	“Ўзгидроэнерго” АЖ	“Гидропроект” АЖ
14.	Тошкент Ислом университетига қарашли оромгоҳ	“Чимбойлик” МФЙ	0,64	502,90	Тошкент Ислом университети	Тошкент Ислом университети
15.	Рангли металл институтининг оромгоҳи	“Чимбойлик” МФЙ	2,64	788,41	“Ўзметкомбинат” АЖ	“Ранглиметалэлектрлоийха”
16.	“Қизил сув спорт соғломлаштириш” МЧЖ	“Чимбойлик” МФЙ	5,90	2 746,20	“Ўзавтосаноат” АК	“Ўзавтосаноат” АК
17.	Собиқ Азия Чимган дам олиш маскани	“Чимён” МФЙ	1,40	1 554,00	Миллий олимпия қўмитаси	Миллий олимпия қўмитаси
18.	Собиқ таянч пункти биноси ва унинг атрофидаги ҳудуд	“Чимён” МФЙ	3,0	354,0	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	“Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК
19.	Белдирсой оромгоҳи	“Чимён” МФЙ	46,10	9 628	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
20.	Чорвоқ оромгоҳи (Пирамида)	“Чимён” МФЙ	72,00		Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК	Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК
21.	“Anhor Sayli” оромгоҳи (собиқ “Азиз” оромгоҳи)	“Қоронкул” МФЙ	1,22	1 736,00	“Ўзбектемирйўллари” АЖ	“Anhor Sayli” МЧЖ (таъсисчи: “O`ztemiryo`lkonteyner” АЖ – 92,3%, “O`ztemiryo`lmashta`mir” АЖ – 7,7%)
22.	“Anhor Sayli” оромгоҳи (собиқ “Қазбек” оромгоҳи)	“Қоронкул” МФЙ	1,40	2 095,00	“Ўзбектемирйўллари” АЖ	“Anhor Sayli” МЧЖ (таъсисчи: “O`ztemiryo`lkonteyner” АЖ – 92,3%,

						“O'ztemiryolmashta'mir” АЖ – 7,7%)
23.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтига қарашли “Сойлик” оромгоҳи	“Кичиксой” МФЙ	5,91	3 516,16	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
24.	Космос соғломлаштириш оромгоҳи	“Кўктўнли” МФЙ	13,76	1 308	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Тошкент вилояти ҳокимлиги
25.	Ғазалкент Сувоқова бино- иншоотлари ва ер майдонлари	“Қизил сув” МФЙ, Тошкент кўчаси	8,70	96,0	“Ўзсувтаъминот” АЖ	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
26.	“Лингвист” спорт соғломлаштириш оромгоҳи	“Хумсон” МФЙ	0,04	2,4	Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети	Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети

Изоҳ: * “Чорвоқ” эркин туризм зонаси Маъмурий кенгашига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Чорвоқ” эркин туризм зонаси Дирекцияси таклифига асосан рўйхатга қўшимчалар киритиш ваколати берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “17” сентябрдаги 560 -сон қарорига
2-илова

**Замонавий туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва инвестиция киритиш шarti билан
Давлат активларини бошқариш агентлиги, молиявий ташкилотлар ва инвесторлар ўртасида тузиладиган
уч томонлама ҳамкорлик шартномаси асосида инвесторларга “нол”
харид қийматида сотиладиган давлат мулки объектлари*
РЎЙХАТИ**

Т/р	Объект номи	Жойлашган манзили	Ер майдони (га)	Бино-иншоот майдони (қв. м)	Идоравий мансублиги	Балансда сақловчи	Масъул банк
Бурчмулла лойиҳавий зонаси							
1.	“Бурчмулло” давлат ўрмон хўжалигининг ёрдамчи хўжаликлари	“Бурчмулло” МФЙ	0,75	1 100,0	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	“Бурчмулло” ўрмон хўжалиги	Асака банк
2.	Ўқув-амалиёт полигони	“Бурчмулло” МФЙ	1,49	488,0	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тошкент давлат техника университети	
3.	“Бурчмулло” заргарлик заводининг фаолият кўрсатмаётган мулкый мажмуаси	“Бурчмулло” МФЙ	2,20	4 802,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик туман ҳокимлиги	
4.	Ўрмон хўжалигига тегишли бино	“Бурчмулло” МФЙ	2,20	1 200,0	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	“Бурчмулло” ўрмон хўжалиги	
5.	Тошкент давлат техника университетига қарашли Бурчмулла полигони	“Бурчмулло” МФЙ	4,00	1 502,0	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тошкент давлат техника университети	
Чимён лойиҳавий зонаси							
6.	Қурилиши тугалланмаган 52-сон оромгоҳ	“Чимён” МФЙ	7,0	5 000,0	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	“Ягона буюртмачи хизмати инжинринг компанияси” ДУК	Миллий банк, аввал хусусийлаштириб

7.	Қурилиши тугалланмаган бино	“Чимён” МФЙ	10,0	14 000,0	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	“Ягона буюртмачи хизмати инжиринг компанияси” ДУК	олган тадбиркорлик субъектлари**
Нанай ва Яккатут лойиҳавий зонаси							
8.	Туман Халқ банкига қарашли 16-сон шохобча	“Нанай” МФЙ	0,01	50,4	“Халқ банки” АЖ	“Халқ банки” АЖ	Халқ банки
9.	Почта биноси	“Нанай” МФЙ	0,11	236,0	“Ўзбектелеком” АЖ	“Ўзбектелеком” АЖ	
10.	Полвонак МТП	“Нанай” МФЙ	0,22	238,0	“Ўзагротех-сервис” АЖ	Тошкент “Агросервис” МТП	
11.	Ёшлар оромгоҳи (собик Камолот)	“Нанай” МФЙ	2,50	663	Ёшлар ишлари агентлиги	Ёшлар ишлари агентлиги	Ипотека банк
12.	Тошкент давлат техника университетига қарашли ўқув амалиёти полигони	“Яккатут” МФЙ	2,48	1 396,0	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тошкент давлат техника университети	Алоқа банк
Бошқа лойиҳавий зоналар							
13.	Дам олиш маскани	“Қорамозор” МФЙ	3,83	387,0	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Тошкент педиатрия тиббиёт институт	Ўзсаноатқурилишбанк
14.	Тошкент оромгоҳи	“Чимён” МФЙ	5,0	727,0	“Тошкент оромгоҳи” ДУК	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Ўзсаноатқурилишбанк
15.	Собик қарлар жамиятига қарашли қурилиши тугалланмаган объект	Новобод МФЙ	10	300	Туман ҳокимлиги	Туман ҳокимлиги	Капитал банк
16.	125-сон автобазага қарашли собик автотураргоҳ	Новобод МФЙ	4	100	Туман ҳокимлиги	Туман ҳокимлиги	Алоқа банк
17.	Геология дам олиш оромгоҳи	“Янгиқўрғон” МФЙ	1,00	373,53	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	Капитал суғурта компанияси

18.	Роҳат оромгоҳи	“Хумсон” МФЙ	2,00	300	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Давр банк
-----	----------------	--------------	------	-----	--	--	-----------

Изоҳ: *Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва молиявий ташкилотларига бир ой муддатда ушбу объектлар негизида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш бўйича, жумладан, инвесторларни жалб қилган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини (лойиҳаларни амалга оширишнинг муддати икки йилдан ошмаслик шarti билан) тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилади.

** Аввал хусусийлаштириб олган тадбиркорлик субъекти томонидан лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу объектлар бўйича тўланган маблағлар “NBU Invest Group” АЖ томонидан қопланади ҳамда лойиҳа белгиланган муддатда банк томонидан бошқа тадбиркорлик субъектини жалб этган ҳолда амалга оширилади.

**Вазирликлар ва идоралар ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларига қарашли бўш турган
ва хусусий секторга “E-ijro aukcion” электрон савдо майдончаси орқали сотиладиган давлат мулки объектлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Объект номи	Жойлашган манзили	Ер майdonи (га)	Бино- иншоот майdonи (кв.м)	Идоравий мансублиги	Балансда сақловчи номи
1.	Дўкон биноси	“Ёшлик” МФЙ, Нурчилар кўчаси	0,01	20,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
2.	Омборхона биноси	“Боғистон” МФЙ, Тагикалъя кўчаси худуди	0,01	32,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
3.	Алоқа биноси	“Марказий” МФЙ, Амир Темур кўчаси	0,01	64,0	“Ўзбекистон почтаси” АЖ	“Ўзбекистон почтаси” АЖ
4.	Савдо дўкони	“Сари Қонли” МФЙ, Сари-Қонли кўчаси 33 уй, (Думалок) МФЙ	0,01	70,0	“Халқ банки”	“Халқ банки”
5.	Собиқ кутубхона биноси	“Хумсон” МФЙ, Субқадам кўчаси	0,01	72,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
6.	Савдо дўкони	“Боғистон” МФЙ	0,01	110,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	“Бўстонлик таъминот савдо” МЧЖ
7.	Бўш турган дўкон биноси	“Боладала” МФЙ	0,01	144,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	“Бўстонлик таъминот савдо” МЧЖ
8.	Бўш турган Қозонхона биноси	“Марказий” МФЙ	0,02	20,0	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Бўстонлик тумани “Иссиқлик манбаи” филиали
9.	Собиқ ФАП биноси	“Қизил сув” МФЙ, Жомбойота кўчаси	0,02	81,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
10.	Қурилиши туғалланмаган клуб биноси	“Кўктўнли” МФЙ, Марказий кўча	0,02	85,0	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими

11.	Савдо дўкони (10-сон дўкон)	“Боғистон” МФЙ	0,02	126,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	“Бўстонлик таъминот савдо” МЧЖ
12.	Фойдаланилмаётган (собик) 19-сон мактаб биноси	“Хумсон” МФЙ, Ҳамдом булоқ кўчаси 64 уй	0,02	160,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
13.	Агрофирма биносининг бир қисми	“Сари Қонли” МФЙ, Сари Қонли кўчаси	0,03	150,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
14.	“Сувоқова” МЧЖ биноси	“Яккатут” МФЙ, Хўжақўрғон кўчаси	0,03	189,0	“Ўзсувтаъминот” АЖ	“Сувоқова” МЧЖ
15.	29-сон мактабнинг қурилиши тугалланмаган спорт зали биноси	“Аччисой” МФЙ	0,03	340,0	Халқ таълими вазирлиги	Бўстонлик тумани халқ таълими бўлими
16.	Қурилиши тугалланмаган бино	“Бўстон” МФЙ	0,03	360,0	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Бўстонлик тумани “Иссиқлик манбаи” филиали
17.	Собик савдо дўкони	“Узун” МФЙ, Испай кишлоғи	0,04	89,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	“Бўстонлик таъминот савдо” ДУК
18.	Эски собик молхона биноси	“Писком” МФЙ, Қуруқсой маҳалласи	0,04	444,0	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Бурчмулло ўрмон хўжалиги
19.	“Бўстонлик туман- газтаъминот” АЖнинг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	“Парго” МФЙ	0,6	120,0	“Ўзтрансгаз” АЖ	“Бўстонлик туман газтаъминот” АЖ
20.	Эски собик ҚВП биноси	“Алғабас” МФЙ, Қораманас кўчаси	0,06	130,0	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Бўстонлик туман тиббиёт бирлашмаси
21.	Нанай қишлоғида бўш турган ФЁҚШ биноси	“Нанай” МФЙ	0,07	37,0	“Ўзбекнефтегаз” АЖ	“Кучлик нефть базаси” УК
22.	Омборхона биноси	“Товоқсой” МФЙ, Кумушсой кўчаси	0,07	600,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	“Бўстонлик таъминот савдо” МЧЖ
23.	Бўстонлик тумани “Иссиқлик манбаи” ИЧК маъмурий биносининг бир қисми	“Марказий” МФЙ, Махтумқули 1 уй	0,08	200,0	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Бўстонлик тумани “Иссиқлик манбаи” филиали
24.	Бўш турган омборхона биноси	“Боладала” МФЙ Мирзо Улугбек кўчаси	0,08	385,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	“Бўстонлик таъминот савдо” МЧЖ

25.	“Бўстонлик агросервис МТП” МЧЖ ошхонаси	“Талпин” МФЙ, С. Раҳимов кўчаси	0,08	405,0	“Ўзагротехсервис” АЖ	“Бўстонлик агросервис МТП” МЧЖ
26.	Почта биноси	“Боғистон” МФЙ	0,10	206,0	“Ўзбекистон почтаси” АЖ	“Ўзбекистон почтаси” АЖ
27.	Клуб биноси	“С.Раҳимов” МФЙ	0,11	1 075	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
28.	Бўш турган дўкон ва клуб биноси	“Боладала” МФЙ Мирзо Турсунзода кучаси	0,15	178,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	“Бўстонлик таъминот савдо” МЧЖ
29.	Фойдаланилмаётган 18-сон мусиқа ва санъат мактабининг бино ва иншоотлари	“Дўстлик” МФЙ	0,15	473,2	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
30.	Фойдаланилмаётган 37- сон мактабнинг эски биноси	“Янгиқўрғон” МФЙ	0,20	350,0	Халқ таълим вазирлиги	Бўстонлик тумани Халқ таълими бўлими
31.	Эски ферма	“Намуна” МФЙ, Галавасой	0,20	752,0	“Ўзсувтаъминот” АЖ	“Сувоқова” МЧЖ
32.	Фойдаланилмаётган (собик) 44-сон мактаб биноси	“Нанай” МФЙ	0,23	444,6	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
33.	Собик вилоят йўл ҳаракати хавфзлик бошқармасига қарашли пост патрул хизмати биноси	“Намуна” МФЙ	0,35	180	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
34.	Фойдаланилмаётган собик болалар боғчаси биноси	“Нанай” МФЙ	0,35	418,4	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
35.	Фойдаланилмаётган (собик) 14-сон мактаб биноси	“Қизил сув” МФЙ, Жомбойота кўчаси	0,50	180,0	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бўстонлик тумани ҳокимлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 17” сентябрдаги 560 -сон қарорига
4-илова

**Бўстонлик тумани ҳудудида муҳандислик-коммуникация
ва экологияни муҳофаза қилиш инфратузилмасини ривожлантиришга доир
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Қуввати	Талаб этиладиган маблағ (млн сўм)*	Қурилиш ишларини яқунлаш муддати	Масъуллар
Ичимлик сув ва оқова сув тармоқлари инфратузилмасини тезкор ривожлантириш					
1	“Чимён” МФЙ ҳудудида ичимлик сув тизимларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	4 та объект 22 км	36 900	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
2	“Чимён” МФЙ ҳудудида оқова суви тизимларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	1 та объект 25 км	10 220	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
3	Юсуфхона қишлоғи сув таъминоти ва оқова сувларини оптималлаштириш тизимини қуриш.	сув қузури 2,5 км, оқова сувлари қузури 3 км, 2 та объект	9 000	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
4	“Чотқол” оқова сувлари коллекторини қуриш.	5,0 км	8 000	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
5	“Хумсон” ва “Чорбоғ” МФЙлар ҳудудларида ичимлик сув тизимларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	5 та объект 66 км	53 600	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,

					Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
6	Бўстонлик туманида жойлашган “Янгиовул”, “Чахчам”, “Қорамозор”, “Гижол”, “Ғалвасой”, “Учтерак” МФЙларда яшовчи аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш.	6 та объект 39,5 км	11 500	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
7	“Нанай”, “Боғистон” ва “Боладала” МФЙ худудларида аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида ичимлик сув қувурини ўтказиш.	3 та объект 35,8 км	38 400	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
8	“Сижжак-Чорбоғ” оқова сув тизимини қуриш. Туристик зонани келажакда ривожланишини ҳисобга олиб ичимлик сув қувурини ўтказиш.	1 та объект 20 км	13 000	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
9	“Хумсон” ва “Чорбоғ” МФЙ худудларида оқова сув тизимларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	5 та объект 35 км	14 200	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
10	“Яккатут” МФЙ худудларида оқова суви тизимларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	Аниқлан-моқда	Аниқлан-моқда	2021–2022 йиллар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
Йўл-транспорт инфратузилмасини тезкор ривожлантириш					
11	4Р6 “Тошкент ш. – Чирчиқ ш. – Чимён қ.” автомобиль йўлининг 51–92 км орасидаги масофани жорий таъмирлаш. Пиёдалар учун йўлаклар қуриш темир- бетон лоток ўрнатиш, йўлни жиҳозлаш, йул	29,6 км	24 876	30.12.2021 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги

	қопламасини карта усулида жорий таъмирлаш, тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш.				
12	4P10 “Чорбоғ сув омбори айланма йўли” автомобиль йўлининг 22–32 км орасида йўл қопламасини асфальт-бетон билан таъмирлаш, пиёдалар учун йўлак қуриш, йўлни жиҳозлаш.	10 км	9 100	30.10.2021 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
13	4P12 “Бектемир ш.–Чирчиқ ш.–Ғазалкент ш.–Чорбоғ кўрғони” автомобиль йўлининг 73 км да пиёдалар учун ер ости йўли қуриш.	1 дона	2 400	30.10.2020 й.	Молия вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
14	4P12 “Бектемир ш.–Чирчиқ ш.–Ғазалкент ш.–Чорбоғ кўрғони” автомобиль йўлининг 71–74 км оралиғида тўла таъмирлаш ишлари таркибида йўлнинг 73–74 км оралиғида йўлни чап томонга кенгайтириш орқали йўлда тўрт тасмали ҳаракат ташкил қилиш ишларини яқунлаш.	1 км	8 200	30.12.2020 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
15	4P12 “Бектемир ш.–Чирчиқ ш.–Ғазалкент ш.–Чорбоғ кўрғони” автомобиль йўлининг 53,8 км.да “Оқсоқота” кўпригини қайта тиклаш.	1 дона	8 259,7	30.11.2020 й	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
16	4P11 “Ғазалкент ш. – Қизилсув қ. – Чорбоғ маскани” автомобиль йўлининг 0–8 км оралиғида йўл қопламасини асфальт-бетон билан таъмирлаш (карта усулида). Йўлнинг 15–17 км оралиғидаги қопламани таъмирлаш.	10 км	1 005	30.10.2020 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
17	4P6Г “Тошкент ш. – Чирчиқ ш. – Чимён қ.” автомобиль йўлининг 6–8 км қисмини жорий таъмирлаш, металл тўсик ўрнатиш, қопламани карта усулида жорий таъмирлаш ва йўлни жиҳозлаш.	2 км	1 300	30.10.2020 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
18	4P6Д “Тошкент ш. – Чирчиқ ш. – Чимён қ.” автомобиль йўлининг 0–2 км қисмини жорий таъмирлаш.	2 км	1 430	30.10.2020 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
19	4Н692 “Ғазалкент ш. – Қорамозор қ. – Мармар кони” автомобиль йўлининг 0–9 км қисмининг йўл қопламасини карта усулида таъмирлаш.	9 км	2 315,25	30.10.2020 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги

20	4К794 “4Р10 автомобиль йули – Хумсан қишлоғи” автомобиль йўлининг 0–8 км қисмини жорий таъмирлаш. Пиёдалар учун йўлак қуриш темир-бетон лоток ўрнатиш йўлни жиҳозлаш, тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш 1-гурух металл тўсиқ ўрнатиш, монолит темир-бетон тўсиқ қуриш.	8 км	5 250	30.12.2021 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
21	“Амирсой” тоғ-чанғи курортига олиб борувчи янги автомобиль йўлини қуриш ишларини давом эттириш ва яқунлаш.	4,2 км	14 700	31.12.2020 й.	Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
Чимён лойиҳа зонаси					
22	“Чимён” МФЙ ҳудудидаги 4Р6Г автомобиль йўлини жорий таъмирлаш (Қурилиши тугалланмаган 52-сон оромгоҳи).	узунлиги 0,05 км, кенглиги 4,5 м	33,8	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
23	“Чимён” МФЙ ҳудудидаги 4Р6Г автомобиль йўлини жорий таъмирлаш (қурилиши тугалланмаган бино).	узунлиги 0,05 км, кенглиги 4,5 м	33,8	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
Бурчмулла лойиҳа зонаси					
24	“Бурчмулло” МФЙ ҳудудидаги 4Р10 автомобиль йўлининг 29 км қисмидаги (Ўқув амалиёт полигони) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,81 км, кенглиги 4,5 м	656,1	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
25	“Бурчмулло” МФЙ ҳудудидаги 4Р10 автомобиль йўлининг 29 км қисмидаги (“Бурчмулло” заргарлик заводининг фаолият кўрсатмаётган мулкый мажмуаси) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,310 км, кенглиги 5 м	232,5	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
26	“Бурчмулло” МФЙ ҳудудидаги 4Р10 автомобиль йўлининг 29,8 км қисмидаги (Ўрмон хўжалигига тегишли объект) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,1 км, кенглиги 3,5 м	52,5	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
27	“Бурчмулло” МФЙ ҳудудидаги 4Р10 автомобиль йўлининг 29,4 км қисмидаги (Тошкент давлат техника университетида)	узунлиги 0,15 км, кенглиги 4,5 м	108,0	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги

	қарашли Бурчумулла полигони) йўлни жорий таъмирлаш.				
Бошқа лойиҳа участкалари					
28	“Яккатут” МФЙ ҳудудидаги 4P10 автомобиль йўлининг 32,7 км қисмидаги (Тошкент давлат техника университетига қарашли ўқув амалиёти полигони) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,150 км, кенглиги 5 м	120,0	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
29	“Нанай” МФЙ ҳудудидаги 4P10 автомобиль йўлининг 48,1 км қисмидаги (собик болалар боғчаси биноси) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,25 км, кенглиги 4 м	160,0	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
30	“Чимбойлик” МФЙ ҳудудидаги 4P11 автомобиль йўлининг 8 км қисмидаги (“Агромир Ғазалкент” МЧЖ дам олиш оромгоҳи) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,38 км, кенглиги 5 м	380,0	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
31	“Куктунли” МФЙ ҳудудидаги 4P6B автомобиль йўлининг 6 км қисмидаги (“Космос” соғломлаштириш оромгоҳи) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,12 км, кенглиги 4 м	516,0	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
32	“Хумсон” МФЙ ҳудудидаги 4K794 автомобиль йўлининг 8 км қисмидан ўнг томонга (“Малика” дам олиш оромгоҳи) йўлни мукамал жорий таъмирлаш.	узунлиги 1,8 км, кенглиги 4 м	1 860,0	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
33	“Нанай” МФЙ ҳудудидаги 4P10 автомобиль йўлининг 49 км қисмининг чап томонидаги (туман Халқ банкига қарашли 16-шоҳобча) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,2 км, кенглиги 5 м	15,0	31.12.2020 й.	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
34	“Нанай” МФЙ ҳудудидаги 4P10 автомобиль йўлининг 49 км қисмининг чап томонидаги (почта биноси) йўлни жорий таъмирлаш.	узунлиги 0,05 км, кенглиги 5 м	37,5	31.12.2020 й	Автомобиль йўллари қўмитаси, Бўстонлик тумани ҳокимлиги
Электр тармоқлари инфратузилмасини тезкор ривожлантириш					
35	“Чорбоғ-Чимган” йўналиши ҳудудидан ўтувчи 110 кВ Чорвоқ-1,2 ҳаво электр узатиш тармоқларини “Хожикент” МФЙ ҳудудидан	6,5 км	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлан-	2020 йил IV-чорак	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Бўстонлик тумани ҳокимлиги,

	ўтувчи 6,5 км қисмини хавфсиз ҳудудга кўчириш.		гандан сўнг аниқланади		“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Toshkent НЕТК” АЖ
36	“Яккатут” МФЙ ҳудудида туризмни ривожлантириш, ҳудуддаги электр энергияси истеъмолчиларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш мақсадида 110/35/10 кВ подстанция қуриш.	110/35/10 кВ	Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Toshkent НЕТК” АЖ
37	“Чорбоғ-Чимган” йўналиши ҳудудидан ўтувчи 110 кВ Чорвоқ-1,2 ҳаво электр узатиш тармоқларини “Чимган” МФЙ ҳудудидан ўтувчи 8,5 км қисмини хавфсиз ҳудудга кўчириш.	8,5 км	Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2020 йил IV-чорак	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Toshkent НЕТК” АЖ
38	Туризмни ривожлантириш, ҳудуддаги электр энергияси истеъмолчиларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш мақсадида 110/35/10 кВ подстанция қуриш.	110/35/10 кВ	Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Toshkent НЕТК” АЖ
39	“Чорбоғ-Чимган” йўналиши бўйича йўл бўйида жойлашган электр тармоқлари ўтказилган 275 та ёғоч устунларни бетон устунларга алмаштириш.	275 та	Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2020 йил III-чорак	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Toshkent НЕТК” АЖ
40	“Чорбоғ-Чимган” йўналиши бўйича йўл бўйида жойлашган 8,5 км узунликдаги электр тармоқларини замонавий турдаги СИП русумли ўтказгичларга алмаштириш.	8.5 км	Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2020 йил III-чорак	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Toshkent НЕТК” АЖ
41	“Чорбоғ-Чимган” йўналиши бўйича йўл бўйида жойлашган 12 та ТПларнинг эстетик ҳолатини яхшилаш.	12 дона	Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2020 йил III-чорак	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ “Toshkent НЕТК” АЖ

42	“Чимён” МФЙ ҳудудидаги қурилиши тугалланмаган 52-сонли оромгоҳни электр энергияси билан таъминлаш учун 35/10 кВ “Ёшлик” ПСдан чиқувчи 10 кВ “Кашшоф-1,2” фидеридан алоҳида 10 кВ электр тармоқ тортиш ҳамда 10/0,4 кВ ТП ўрнатиш.	10 кВ электр узатиш тармоғи 10/0,4 кВ трансформатор пункти	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Бўстонлик тумани ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускори “ХЭТ” АЖ, “Toshkent NETK” АЖ
43	“Чимён” МФЙ ҳудудидаги қурилиши тугалланмаган бинони электр энергияси билан таъминлаш учун 35/10 кВ “Ёшлик” ПСдан чиқувчи 10 кВ “Кашшоф-1,2” фидеридан алоҳида 10 кВ электр тармоқ тортиш ҳамда 10/0,4 кВ ТП ўрнатиш.	10 кВ электр узатиш тармоғи 10/0,4 кВ трансформатор пункти	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Бўстонлик тумани ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускори “ХЭТ” АЖ, “Toshkent NETK” АЖ
44	“Бурчумулло” МФЙ ҳудудидаги “Бурчумулло” заргарлик заводининг фаолият кўрсатмаётган мулкӣ мажмуасини электр энергияси билан таъминлаш учун 35/6 кВ “Бурчумулло” ПСдан чиқувчи 6 кВ “Олмос” фидеридан алоҳида 6 кВ электр тармоқ тортиш ҳамда 6/0,4 кВ ТП ўрнатиш.	6 кВ электр узатиш тармоғи 6/0,4 кВ трансформатор пункти	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Бўстонлик тумани ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускори “ХЭТ” АЖ, “Toshkent NETK” АЖ
45	“Хумсон” МФЙ ҳудудидаги “Малика” дам олиш оромгоҳини электр энергияси билан таъминлаш учун 35/6 кВ “Думба” ПСдан чиқувчи 6 кВ “Ором” фидеридан алоҳида 6 кВ электр тармоқ тортиш ҳамда 6/0,4 кВ ТП ўрнатиш.	6 кВ электр узатиш тармоғи 6/0,4 кВ трансформатор пункти	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Бўстонлик тумани ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускори “ХЭТ” АЖ, “Toshkent NETK” АЖ
46	“Нанай” МФЙ ҳудудидаги “Полвонак” МТПни электр энергияси билан таъминлаш учун 35/10 кВ “Тепар” ПСдан чиқувчи 10 кВ “Тепар” фидеридан алоҳида 10 кВ электр тармоқ тортиш ҳамда 10/0,4 кВ ТП ўрнатиш.	10 кВ электр узатиш тармоғи 10/0,4 кВ трансформатор пункти	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Бўстонлик тумани ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускори “ХЭТ” АЖ, “Toshkent NETK” АЖ

47	“Нанай” МФЙ ҳудудидаги туман Халқ банкига қарашли 16-сонли шохобчани электр энергияси билан таъминлаш учун 35/10 кВ “Сижжак” ПСдан чиқувчи 10 кВ “Нанай” фидеридаги 128-сонли ТПнинг 0,4 кВ қутисидан алоҳида кучланишли 0,4 кВ электр тармоқ тортиш.	0,4 кВ электр узатиш тармоғи	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускори “ХЭТ” АЖ, “Toshkent NETK” АЖ
48	“Нанай” МФЙ ҳудудидаги почта биносини электр энергияси билан таъминлаш учун 35/10 кВ “Сижжак” ПСдан чиқувчи 10 кВ “Нанай” фидеридаги 128-сонли ТПнинг 0,4 кВ қутисидан алоҳида кучланишли 0,4 кВ электр тармоқ тортиш.	0,4 кВ электр узатиш тармоғи	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	2021–2022 йиллар	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускори “ХЭТ” АЖ, “Toshkent NETK” АЖ
“Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни такомиллаштириш ва Экоинспекция назорати тизимини ташкил этиш” лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси					
49	Чиқинди ташувчи техника ажратиш.	9 дона	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	01.10.2020 й.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
50	Ассенизатор техникасини ажратиш.	5 дона	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	01.10.2020 й.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
51	Бўстонлиқ тумани чиқинди полигони фаолиятини тўхтатиш.	1 дона	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	01.10.2020 й.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
52	Аҳоли ва дам олиш ҳудудларида чиқинди йиғиш майдончаларини ташкил этиш.	12 дона	Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг аниқланади	01.10.2020 й.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
53	Онлайн экологик назоратни амалга ошириш учун мобиль илова ишлаб чиқиш.	1 дона	7 000	01.10.2020 й.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

54	Ғазалкент шаҳрида чиқинди қайта юклаш станциясини куриш.	1 дона		01.10.2020 й.	Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
55	Чиқиндини қайта юклаш станциясида чиқиндилар ҳисобини юритиш учун тарози ўрнатиш.	1 дона		01.10.2020 й.	Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
56	Чиқиндини қайта юклаш станциясидан қайта юкланган чиқиндиларни Чирчиқ шаҳрининг “Майдонтол” чиқинди полигонига жойлаштириш.	102 тонна		Доимий	Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
57	Чиқиндини қайта юклаш станциясида чиқиндиларни қайта юклаш ва “Майдонтол” чиқинди полигонига олиб бориш учун махсус шатакли техника билан таъминлаш.	2 дона		01.10.2020 й.	Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
58	Чиқиндини қайта юклаш станциясида чиқиндиларни қайта юклаш учун тиркамали контейнер билан таъминлаш.	3 дона		01.10.2020 й.	Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

*) Яқуний қиймати лойиҳа ҳужжатлари тасдиқлангандан сунг ўзгариши мумкин.

